

FACTORS INFLUENCING THE PROVISION OF AUDIT REPORTS IN THE CORPORATE GOVERNANCE

Timeliness of accounting information has become an important issue as a result of phenomenal changes, as in modern technology as well as business practices around the world, including corporate governance practices. Audit reports, their timeliness, accuracy and reliability play an important role in restricting and delaying information in the emerging capital market.

Keywords: corporate governance, audit, audit conclusion, audit reports, internal audit, external audit, audit committee, audit organization, international audit standards.

Many recent business failures, such as failures in corporate governance, misuse of insider loans, inadequate risk assessment, and internal control failures. This peculiar study was caused by the loss of investor confidence in the capital market, the persistent and unstable problems of agencies, and the insolvency of large companies due to financial crises.

In the corporate world, research shows that the audit report is the final product of any audit process and is also reflected in the auditor's report on the quality of financial statements of clients.

Audit report is a document in writing that the auditor's opinion on the compliance of the financial statements with the requirements established by the legislation on accounting. The audit report connects the auditors and the end users of the financial statements and reflects the most important aspects of the audit activity that reflect the results of evaluating the financial statements to all users. If the audit report is objective and understandable, it becomes a means of communication between the auditor and report users, and due to its importance, decision-making increases significantly, otherwise financial reporting users cannot use the report in the decision-making process. Therefore, the audit report must be clear and free from any uncertainty that ensures that information is open to the user.

Phenomenological changes in corporate governance practices, modern technology, and business practices around the world have highlighted the importance of the timeliness of accounting. In the emerging capital markets, the timeliness of reports is crucial in limiting and delaying data. Timeliness of reports in this market will accelerate decision-making and reduce data asymmetry. One of the most important factors in timely disclosure of information is the timely annual audit.

Publication of the Company's financial information is subject to termination of the audit. Delays in auditing are the most important factor in the developed and emerging capital markets, and for which investor, the audited financial statements in the annual report are a reliable source of information.

Audit Report Delay (ARD) plays an important role in providing timely information to the market.

In Uzbekistan, today corporate governance is one of the main economic terms. The connection between the decisions of the company and its shareholders, private equity market participants and the governing and supervisory board is also growing.

Time spent in the audit process is a factor influencing the timely publication of financial information.

The ARD is now a global problem, a painful issue in all developed and emerging capital markets, and has been extensively studied in more advanced markets to date.

This study examines the factors that influence the timeliness of the audit report. These are the presence of the Supervisory Board, the Audit Committee, the scope of the company, the type of the audit organization and the factors of profitability of the company. The changing factor here is the audit reports of listing companies in Uzbekistan.

Dynamically developing economic reforms undertaken by the President of the Republic is very positive that we can know the exact model based on the results of the analysis above

This study provides empirical evidence relating to the ARD of companies listed on the UZSE in the year 2017, through identifying the impact of CG characteristics on ARL. The analysis of sample companies listed on UZSE shows that the mean of ARD is 92 days. The ARD for each of the 45 listed sample companies ranged from a minimum interval of 34 days to a maximum interval of 171 days and Uzbekistan listed companies take approximately three months on average.

It shows that our audit reports timeliness measurements, same with even in the most developed countries United States and Russia.

Therefore, it is very important for company to issue audit report as soon as they can with more than three months as required by the Uzbekistan Stock Exchange Market (UZSEM). Listed companies requested by UZSE and other regulatory bodies to publish their audited accounts within a specified period after the end of their accounting year. Although in Uzbekistan, listed company need to submit their audited financial statement more than three months as required by requirement, however, some companies still unable to adhere with that requirement. It can be seen from this study where maximum days taken by some companies to complete audited annual report are 171 days which exceed 3 months (90 days) required.

I think, to develop a code of corporate governance to be adopted soon, even better than if will take consideration the above analysis and proposals. In particular, the role of the Supervisory Board and their number increases again, the functions of the audit committee identified with the international corporate governance functions of audit committees, the quality of local audit companies improve the quality of international audit work, studying international experience, international audit standards and international standards for financial reporting to improve their skills, enhancing the role of the International Big-4 audit organizations and their local organizations linked to the relations between the use of their experience. Consequently, the country created the modern model of corporate governance, it will be the role and increasing foreign interest and confidence in our partners, will invest even larger. This, in itself, increase the country's social and economic potential, increases the welfare of the population, the increase in the global ranking of the country.

**О.О.Баракаев,
ТМИ мустақил изланувчиси**

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Корпоратив бошқарув амалиёти, замонавий технология ва дунё бўйлаб бизнес амалиётининг феноменал ўзгариши бу бухгалтерия маълумотларининг ўз вақтидалилигининг муҳим масала эканини белгилаб берди. Ривожланаётган капитал бозорида маълумотларнинг чекланиши ва узоқ вақтга кечикишида аудиторлик ҳисоботи, уларнинг ўз вақтидалилиги, аниқ ва ишонарлилиги ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Таянч сўзлар: корпоратив бошқарув, аудит, аудиторлик ҳисоботи, аудиторлик ҳисоботи муддатлари, ички аудит, ташқи аудит, аудитор қўмитаси, аудиторлик ташкилоти, аудитнинг халқаро стандартлари.

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ АУДИТОРСКИХ ОТЧЕТОВ В СИСТЕМЕ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Своевременность бухгалтерских сведений стала важным вопросом в результате феноменальных изменений как и в современной технологии как и деловых практиках по всему миру, в том числе в практике корпоративного управления. Аудиторские отчеты, их своевременность, точность и надежность играют важную роль в ограничении и задержке информации на развивающемся рынке капитала.

Ключевые слова: корпоративное управление, аудит, аудиторский заключения, аудиторская отчетность, внутренний аудит, внешний аудит, аудиторский комитет, аудиторская организация, международные стандарты аудита.

КИРИШ

Ўзбекистон жаҳон молия бозорига интеграциялашувини тезлаштириш ва капитал бозорини янада ривожлантириш мақсадида чуқур таркибий иқтисодий ислохотларни амалга оширмақда. Жумладан Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга доир 2018 йил 19 сентябрда ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди ва унда бир қатор вазифалар белгиланган [1]. Бу орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда

акциядорлар ролини кучайтириш учун кулай шароитлар яратиш каби бир қатор аниқ мақсадлар ҳал этилади.

Яқин ўтмишда бизнесдаги кўпгина мувоффақиятсизликлар, масалан корпоратив бошқарувдаги мувоффақиятсизликлар, инсайдерлар билан боғлиқ кредитларни суистеъмол қилиш, хавфларни тўғри баҳолай олмаслик ва ички назорат тизимидаги мувоффақиятсизликлар билан боғлиқ. Ушбу ўзига хос тадқиқот сармоядорлар томонидан капитал бозорига бўлган ишончнинг йўқолиши, агентликларнинг доимий ва тўхтовсиз муаммолари ва молиявий инқирозлар туфайли йирик компанияларнинг тўловга лаёқатсизлиги туфайли юзага келди.

Корпоратив дунёда, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аудиторлик хулосаси ҳар қандай аудит жараёнининг якуний маҳсулотини вужудга келтиради, шунингдек мижозларнинг молиявий ҳисоботлари сифати тўғрисида аудиторхулосасида акс этади.

Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган ҳужжат ҳисобланади. Аудиторлик хулосаси аудитор ва молиявий ҳисоботларнинг охирги фойдаланувчиларини бирлаштиради ва барча фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботларни баҳолаш натижаларини акс эттирувчи аудиторлик фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини акс эттиради. Агар аудиторлик хулосаси объектив ва тушунарли бўлса, аудитор ва ҳисобот фойдаланувчилари ўртасида алоқа воситасига айланади ва унинг аҳамиятлилиги туфайли қарорлар қабул қилиш сезиларли ошади, акс ҳолда бунда молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қарор қабул қилиш жараёнида ҳисоботдан фойдалана олмайди. Шунинг учун, аудиторлик ҳисоботи аниқ ва ахборот фойдаланувчи билан очик-ойдин уланишни таъминловчи ҳар қандай ноаникликдан ҳоли бўлиши керак.

Корпоратив бошқарув амалиёти, замонавий технология ва дунё бўйлаб бизнес амалиётининг феноменал ўзгариши бу бухгалтерия маълумотларининг ўз вақтидалилигининг муҳим масала эканини белгилаб берди. Ривожланаётган капитал бозорида маълумотларнинг чекланиши ва узоқ вақтга кечикишида, ҳисоботларнинг ўз вақтидалилиги ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу бозорда ҳисоботларнинг ўз вақтидалилиги, қарорлар қабул қилинишини янада жадаллаштиради ва маълумотлар асимметриясини камайтиради. Маълумотларни ўз вақтида ошкор қилишда энг муҳим таъсир этувчи омиллардан бири бу ўз вақтида ўзтказиладиган йиллик аудит.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Компаниянинг молиявий маълумотларини эълон қилиш аудитнинг тугатилишига боғлиқ. Аудиторлик ҳисоботини кечикиши бу ривожланган ва ривожланаётган капитал бозорда энг муҳим омил ҳисобланиб, қайсики

инвестор учун йиллик ҳисоботдаги аудит қилинган молиявий ҳисобот ишончли маълумот манбаи ҳисобланади[2].

Аудиторлик ҳисоботини кечикиши (АҲК) бозорга маълумотларни ўз вақтида етказиб беришда муҳим рол уйнайди [3,4,5]. Ушбу илмий тадқиқотда АҲК ва вақтидалилик буйича янгича механизм яратилди.



1-расм. Маълумотларни тақдим этиш билан аудиторлик ҳисоботини кечикишининг боғлиқлиги¹

Ушбу тадқиқотда бундан олдинги тадқиқотлар натижалар таҳлилдан кенг фойдаланилган. Жумладан, Роберт В. томонидан Россия энергия тармоғининг молиявий ҳисоботлар аудитининг вақтидалилиги ўрганилган. У 2005 йилги маълумотлар асосида тадқиқ қилинган бўлиб, унда кечикиш ушбу тармоқ компанияларда 149 кунни ташкил этган[3].

Аҳмад ва Камарудин томонидан эса Куала Лумпур фонд биржасидаги 100 та компанияни маълумотлари асосида АҲК ўрганилган бўлиб унда натижа 100 кундан ортиқ ташкил этган [6].

Афифа Қоҳира фонд биржасидаги 85 та компанияни тадқиқ қилган. Унда аудиторлик кечикишига кузатув кенгаши, ижрочи директорнинг вазифалари, аудиторлик кўмитасининг мавжудлиги, компания кўлами, саноат ва фойдалилик каби омиллар муҳим таъсир этишини тадқиқ қилди. Худди шундай эмпирик тадқиқот Буюк Британия, АҚШ, Испания, Африка мамлакатлари, Покистон, Малайзия, Бангладеш, Хитой, Австралия каби бир қанча мамлакатлар ўрганилган ва тадқиқот натижаларидан инвесторлар кенг фойдаланиб, АҲК анча миқдорда камайган [7].

Корпоратив бошқарув тузилиши ва компания кўрсаткичлари ўртасидаги

¹Муаллиф томонидан тузилган

боғлиқликка эътибор кучайгани билан, ҳалигача АХКга корпоратив бошқаруворганлари таъсирининг эмпирик тадқиқоти кам учрайди.

Ўзбекистонда ҳам бугунги кунда корпоратив бошқарув энг асосий иқтисодий терминлардан бўлиб бормоқда. Компания ва унинг акциядорлари, хусусий капитал бозор қатнашчилари ва бошқарув ва кузатув кенгаши органлари қарорлари ўртасидаги боғлиқлик ҳам ошиб бормоқда.

Аудит жараёнида кетган вақт молиявий маълумотларни вақтида чоп этишига таъсир этувчи омилдир.


АХК бугунги кунда глобал муаммо бўлиб бормоқда, барча ривожланган ва ривожланаётган капитал бозорда оғриқли масала бўлиб, бугунгача кўпроқ ривожланган бозорда кенг кўламда тадқиқ қилинган [8].

АҚШда ҳисоботларни вақтидалилик бўйича эътиборнинг кучайиши, АҚШ бозорида ҳисоботларнинг чоп этиш муддатлари 90 кундан 60 кунга камайди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Мазкур тадқиқотда аудиторлик ҳисоботи вақтидалилига таъсир этувчи омилларни ўрганеди. Булар кузатув кенгаши, аудит қўмитасининг мавжудлиги, компания кўлами, аудиторлик ташкилотининг тури ва компания фойдалилиги омилларидир. Бу ерда, ўзгравчи омил- Ўзбекистон листинг компанияларида аудиторлик ҳисоботлари.

Қуйида назарий тузилиш модели келтирилган.²



2-расм. Аудиторлик ҳисоботи вақтидалилигига таъсир этувчи омилларнинг назарий тузилиш модели³

Қуйидаги 1-жадвалда таснифловчи таҳлил натижалари келтирилган. Ушбу таҳлилдан шу нарса кўринадики, баланс ёпилиш санаси ва аудит санаси ўртасидаги ўртача кун 92 кунни ташкил этади. АХК 45 та листинг компанияларида минимум 34 кун ва максимум 171 кунни ташкил этар экан. Демак Ўзбекистон листинг компаниялари акциядорларга ўртача 3 ойда маълумотларни етказар экан ва бу дунё мамлакатлари билан таққослаганда анча

²Муаллиф томонидан тузилган

³Муаллиф томонидан тузилган

яхши кўрсаткичдир.

1-жадвал

«Тошкент» РФБдаги танланган листинг компанияларининг
2017 йилдаги таснифловчи таҳлилі⁴

Омиллар	Н	Минимум	Максимум	Ўртача	Меъёрдан оғишиш
<i>Ўзгарувчи омил</i>					
АХК(кунлар)	45	34.00	171.00	92.000	28.822
<i>Мустақил омиллар</i>					
SBNDs	45	0.28	0.82	0.565	0.091
ACEXIST	45	0.00	1.00	0.911	0.288
SIZE (Активлар) ЎЗС'000	45	1 283 768	15 135 096 380	1 212 722 175	2 886 952 197
AUDTYPE	45	0.00	1.00	0.311	0.468
PROFIT	45	0.001	0.292	0.069	0.073

Бу ерда, SBNDs – кузатувкенгаши пропорционаллиги, ACEXIST- аудит қўмитаси (тафтиш комиссияси)нинг мавжудлиги, SIZE- компания қўлами, AUDTYPE- аудит ташкилот тури, PROFIT- фойдалилик.

Бу буйича дунёнинг кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида тадқиқот ўтказилган. Жумаладан Буюк Британияда 1985 йилги тадқиқот натижасида 6 ой ташкил этган. 2002 йилги тадқиқот натижаларида ушбу муддат 90 кундан 75 кунга камайган [6].

Шунга ўхшаш Франциядаги тадқиқот натижасига кўра 180 кунни ташкил этади. Австралиялик олимлар Дейр ва Хуж 1965 ва 1971 йилларида Австралия компанияларини эмпирик тадқиқот қилганда 82 кундан 92 кунгачани ташкил этган. Янги Зеландияда 53 ва 70 кун ўртасида, АҚШда 40 кун, Канадада 62 кун. Булар яхши кўрсаткич ҳисобланган мамлакатлар. Аммо бир қатор мамлакатларда Ўзбекистондаги кўрсаткичидан кечроқдир. Масалан, Грецияда 113 кун, Бангладеш, Покистон ва Гонг Конгда 97 кунни ташкил этади [5,7,8].

Бундан ташқари Ўзбекистон листинг компанияларида жами директорларда кузатув кенгаши аъзолари улуш 56 % ташкил этиб, ушбу 45 та компаниянинг 91 % да тафтиш комиссияси мавжуд экан. Ўртача жами активлари 1 212, 7 млрд., 45 та компаниянинг 31% ини халқаро аудиторлик ташкилотлари “Катта тўртлик” текшириб, ушбу листинг компанияларинг фойдалилик даражаси ёки активларинг қайтиш даражаси 6% ташкил этар экан.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

⁴Муаллиф томонидан тузилган

Тадқиқот натижаларига кўра, жадаллик билан ривожланиб бораётган мустақил Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар нақадар ижобий эканини биз юқоридаги аниқ моделлар асосидаги таҳлил натижалари орқали билишимиз мумкин.

2017 йил ҳолатига Ўзбекистон листинг компанияларининг эмпирик тадқиқот натижасида АХКга корпоратив бошқарув таъсири аниқланди. Ва ушбу таҳлил натижасида Ўзбекистон 45 та листинг компаниясида АХК атиги 92 кунни ташкил этар экан ва минимум 34 кун ва максимум 171 кунни ташкил этар экан.

Мамлакатимиз жаҳон бозорига энди кенг кўлам билан кириб бораётган бир пайтда, корхоналаримизнинг ҳам активи йилдан йилга ошмоқда. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтилгандек катта компанияларда иш самарадолиги юқори бўлади, ички назорат ҳам кучли бўлиб молиявий ҳисоботлар ва йиллик ҳисоботларни тезроқ тақдим этилишига ёрдам беради. Шунинг билан биргаликда ҳисоботларни халқаро стандартларга ўгириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Чунки ҳали маҳаллий аудиторлик ташкилотларнинг халқаро стандартларда ҳисобот тайёрлашга малакаси озлик қилади, халқаро аудиторлик ташкилотлари (Big 4) эса ҳали ривожланаётган мамлакатлар бозорига кам кириб борган. Жумладан, 45 та таҳлил қилинган компаниянинг атиги 31%ида ушбу тўртлик компаниялари хизмат кўрсатади. Ваҳоланки, агар биз барча компаниялар билан таҳлил қилганимизда бу кўрсаткич қарийб 4-5 баробарга қисқаради.

Демак молиявий ҳисоботларни эълон қилиш муддатларини янада қисқартириш юқордаги омиллар билан бевоста боғлиқдир. Бундан ташқари ушбу ишда кўриб чиқилмаган омилларни ҳам киритиш ва уни АХКга таъсирини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Юртимизда қабул қилинадиган корпоратив бошқарув кодекисини ишлаб чиқишда юқоридаги таҳлиллар ва таклифлар инобатга олинса яна ҳам яхши бўлади. Ҳусусан, кузатув кенгашини ролини янада ошириб улар сонини яна кўриб чиқиш, аудиторлик кўмитасини вазифаларини халқаро корпоратив бошқарувдаги аудиторлик кўмиталари вазифалари билан тенглаштириш, маҳаллий аудиторлик компанияларни иш сифатини халқаро аудиторлик иш сифатига ошириш, уларни халқаро тажрибани чуқур ўрганиб аудитнинг халқаро стандартлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича малакасини ошириш, халқаро “Катта тўртлик” (Big-4) аудиторлик ташкилотларини Ўзбекистонда ролини ошириш, улар билан маҳаллий аудиторлик ташкилотлар ўртасида алоқаларни боғлаб улар тажрибасидан кенг фойдаланиш. Пировардида мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг замонавий модели тузилади, уни роли ошади ва чет ҳамкорларнинг юртимизга қизиқиши ва ишончи яна ортиб, яна ҳам катта сармоя киритади. Бу эса ўз ўзидан мамлакатимизнинг ижтимоий иқтисодий салоҳиятини ошириб, аҳолимизнинг турмуш фароволигини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарори, [www lex.uz](http://www.lex.uz);
2. Leventis, S., Weetman, P., & Caramanis, C. (2005). Determinants of Audit Report Lag: Some Evidence from the Athens Stock Exchange. *International Journal of Auditing*, 9.
3. Cohen, J. R., Krishnamoorthy, G., & Wright, A. M. (2008). Form versus substance: The implications for auditing practice and research of alternative perspectives on corporate governance. *Auditing: A Journal of Practice & Theory*, 27(2), 181-198. <https://doi.org/10.2308/aud.2008.27.2.181>;
4. Dopuch, N., Holthausen, R. and Leftwich, R. (1986). 'Abnormal risk stock returns associated with media disclosures of "subject to" qualified audit opinions'. *Journal of Accounting and Economics* (June).
5. Field, L. and Wilkins, M. (1991). 'The information content of withdrawn audit qualifications: new evidence on the value of "subject to" opinions'. *Auditing: A Journal of Practice and Theory* (Fall).
6. Arens, A., Elder, R. & Beasley, M. (2012), *Auditing and Assurance Services*, 14th ed., Prentice-Hall, Englewood Cliffs, NJ.
7. Afify, H. A. E. (2009). Determinants of audit report lag: Does implementing corporate governance have any impact? Empirical evidence from Egypt. *Journal of Applied Accounting Research*, 10(1), 56-86 p.
8. Walker, K. B. & Johnson, E. N. (1996), A review synthesis of research on supplier concentration, quality and fee structure in non-U.S. market for auditor services, *The International Journal of Accounting*, Vol. 31, No. 1.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сон Фармони, [www lex.uz](http://www.lex.uz);
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сон Фармони. [www lex.uz](http://www.lex.uz);
11. Лоуддер, М., Кхурана, И., Саверс, Р., Сордерй, С, Жохнсон, С, Лоуе, Ж. ва Вундереле, Р., “Аудит талабларининг ахборот таркиби”, *Аудит: Амалиёт ва назария журнали*, 1992 й.
12. <https://www.ifac.org>